


Қуръондаги пайғамбарлар дуолари



04:31 / 05.03.2019 8568

Қуръонда тилга олинган Пайғамбарларнинг ҳар бири, маълум хусусиятлари билан диққатни тортган қавмларга юборилган. Бу қавмлар ўзларига юборилган элчиларни ёлғончига чиқаришган, уларга нисбатан турли ахлоқсизликлар кўрсатишган. Пайғамбарларнинг вазифаси эса динни билмаган ёки билгани ҳолда тўғри йўлдан оғиб кетган бундай қавмларга ҳақ динни танитиш, уларни Аллоҳга иймон келтиришга даъват этишдир. Бу эса ўта масъулиятли ҳамда машаққатли иш эди. Аммо Аллоҳ Пайғамбарларининг барчаси бундай масъулиятли ишда ўзларига Аллоҳни вакил, мададкор деб билишган. Ҳамма вақт, ҳар онда фақат У Зотга суюнишган. Аллоҳ уларнинг бу ахлоқий фазилатларини Қуръонда такрор-такрор васф этган.

Пайғамбарлар ўзларига бу масъулиятли вазифа топширилган вақтдан бошлаб ягона мақсадлари уни гўзал ҳолда мукамал адо этиш бўлган. Улар бу вазифани бажариш чоғида фақат ва фақат Аллоҳга суюнишган, У Зотдан ёрдам, қувват сўраб дуо қилишган.

Нух алайҳиссаломнинг дуолари

«Биз Нухни ўз қавмига, қавмингни уларга аламли азоб келишидан аввал огоҳлантиргин, деб Пайғамбар қилиб юбордик» (Нух,1-оят).

Қуръонда, узоқ йиллар давомида мустаҳкам азму қарор билан қавмини Аллоҳга иймон келтиришга чақирган Нух алайҳиссаломнинг тўғрисиқлиги, ҳалимлиги, марҳамати, сабри мақтаб васф қилинган. У зотнинг ҳар қандай вазиятда Аллоҳга суяниши, Ундан мадад сўраб дуо қилиши мўминларга ибрат қилиб кўрсатилган. Маълумки, Нух алайҳиссалом Аллоҳни қўйиб лойдан, тошдан ясаб олинган сохта илоҳларга ибодат қилинадиган қавмни дину диёнатга чақириш учун Пайғамбар қилиб юборилган. Нух алайҳиссалом Аллоҳнинг амрига бўйсуниб қавмларни сохта илоҳларни қўйиб, оламларнинг Роббиси Аллоҳга иймонга келтиришга чақиради. Нух алайҳиссалом қавмларининг асосий қисмини бой кишилар ташкил этарди. Шу сабабли ўз меҳнати билан кун кўраётган оддий одамдан Пайғамбар чиққани уларни ажаблантирарди. Улар ўзларидан «паст» турадиган одамга итоат қилмасликни афзал билишди. Нух алайҳиссалом қавмларидан фақат санокли кишиларгина иймон келтирди. У ҳам бўлса ўзларига ўхшаш оддий меҳнаткашлар эди. Шундай қилиб Нух алайҳиссалом жами тўққиз юз эллик йил одамларни кечаю кундуз ҳам махфий, ҳам ошкора Аллоҳнинг динига даъват қилдилар. У зот одамларни қанча кўп иймонга чорласалар, шунча кўп Нух алайҳиссаломдан қочишди. Аллоҳдан қавмдаги иймон келтирган кишилардан бошқалари иймон келтирмайди деган хабар келгандан сўнг ҳам Нух алайҳиссалом яна бир бор уриниб кўрдилар. Лекин фойдаси бўлмади. Нух алайҳиссалом ғазабланиб Аллоҳга шундай дуо қилдилар:

«Ва Нух: «Эй Роббим, ер юзида кофирлардан бирорта ҳам ҳаракатланувчини қўймагин. Албатта, Сен уларни тек қўйсанг, бандаларингни адаштирурлар ва фожиру кофирдан бошқа туғмаслар. Роббим, мени мағфират қилгин, менинг ота-онамни ҳам ва уйимга мўмин бўлиб кирганларни ва мўминлару мўминаларни ҳам. Ва золимларга ҳалокатдан ўзга нарсани зиёда қилма», деди» (Нух, 26-28-оятлар).

Аллоҳ Нух алайҳиссаломнинг бу дуосини қабул қилиб рўй берадиган тўфонга қарши тайёргарлик кўриб кема қуришни амр этган. Нух алайҳиссалом атрофида ҳеч қандай денгиз бўлмаслигига қарамай Аллоҳга сўзсиз итоат этиб кема ясашга тушди. У зотнинг қавмидагилар Нух алайҳиссаломнинг бу ҳаракатларини масхара қилдилар.

«У кема ясамоқда. Ўз қавмидан бўлган зодагонлар қачон олдидан ўтсалар, уни масхара қилдилар: У«Агар бизни масхара қилсангиз, биз ҳам худди сиз бизни масхара қилганингиздек сизни масхара

қилурмиз. Бас, яқинда кимга шарманда қилувчи азоб келишини ва кимнинг устига муқим азоб тушишини билиб олурсиз», деди» (Худ, 38-39-оятлар).

Нух алайҳиссалом қавмининг барча бу ҳаракатларига қарамай кема қуришда давом этадилар. Охир оқибат Аллоҳнинг ваъдаси ошиб тинимсиз ёмғир қуя бошлайди. Сув кўпайгандан-кўпайиб борарди. Аллоҳ Нух алайҳиссаломга ўзи, аҳли ва мўминларни, ҳамда барча ҳайвонлардан бир жуфтдан олиб кемага чиқишни буюради. Дунёни тўфон босиб қавм ҳалок бўлади. Улар орасида фарзандлари бўлгани боис оталик меҳри жўшиб кетган Нух алайҳиссалом Аллоҳга шундай нидо қиладилар:

«Роббим, албатта, ўғлим аҳлимдандир, албатта, ваъданг ҳақдир ва Сен ҳукм қилгувчиларнинг энг ҳикматлисисан» (Худ,45-оят).

Бу нидо орқали Нух алайҳиссалом эй Роббим, Сен менга аҳлингни қутқараман, деб ваъда бергандинг, ўғлим аҳлимдан-ку, ўша боламини менга бергин, ўзинг ҳикмат ила ҳукм чиқаргувчи Зотсан, демоқчи бўлганлар. Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломнинг бу нидоларига қуйидагича жавоб беради:

«Эй Нух, албатта, у аҳлингдан эмас. Албатта, у яхши амал эмасдир ўзингнинг илминг бўлмаган нарсани зинҳор сўрамагин. Мен сенга жоҳиллардан бўлмаслигингни насиҳат қиламан», деди (Худ, 46-оят).

Шундан сўнг Нух алайҳиссалом Аллоҳдан қуйидагича дуо қилиб паноҳ сўрадилар:

«Роббим, мен ўзимнинг илмим бўлмаган нарсани Сендан сўрамоқдан паноҳ тиларман. Агар мени мағфират қилмасанг ва раҳим кўрсатмасанг, зиён кўргувчилардан бўлурман» (Худ, 47-оят).

Қуръоннинг бошқа сурасида Нух алайҳиссалом дуосининг қабул бўлиши қуйидагича баён қилинган:

«Ва Роббисига дуо қилиб: «Албатта, мен мағлуб бўлдим, ёрдам бер», деди. Бас, осмон эшикларини шаррос сув билан очиб юбордик. Ва ердан отилтириб булоқлар чиқардик. Бас, сувлар тақдир қилинган иш учун бирлашдилар. Ва у (Нух)ни тахталари ва михлари бор нарса устига (кемага) кўтардик. У (кема) инкор қилинган шахс (Нух)га мукофот бўлиб, Бизнинг иноятимиз ила юрадир» (Қамар, 10-14-оятлар).

(давоми бор)

«Қуръони каримга кўра дуо» китобидан